

## Тошкентда янги кўприк очилди

---



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 25 март куни пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада қурилган кўприкни бориб кўрди.

Умумий узунлиги 900, баландлиги 6, кенглиги 24 метр бўлган 6 полосали мазкур йўл ўтказгич хайдовчилар ва пиёдаларга бир қанча қулайликлар яратади.

Мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда транспорт воситалари тобора қўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровоналашаётганининг исботидир. Зеро, кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, манфаатларини тўла таъминлашdir.

Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада транспорт тигизлиги автомобиллар ва пиёдаларга ноқулайлик туғдиради. Янги бунёд этилган кўприк бу муаммоларга барҳам бериш билан бирга, автомобиллар харакатининг узлуксизлигини ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонаси қурувчилари томонидан икки ойда қуриб битказилган кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилган. Ёғин-сочинли кунларда ҳимояланиш мосламалари ўрнатилган.

Шаҳар қиёфасининг ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта. Экология нуқтаи назаридан ҳам бу муҳим аҳамиятга эга. Яъни автомобиль ёнилғисининг кўп ишлатилиши атроф-муҳит мусаффолигига салбий таъсир қиласи. Бир жойда транспорт тигизлиги юз берса, бошқа жойга ҳам таъсир кўрсатади. Кўприклар ана шу муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутади.

Президентимиз янги кўприкнинг моҳиятига алоҳида тўхталди. Бу каби бунёдкорлик ишлари аҳолига янада қулайлик яратиш, турмуш фаровошлигини оширишда катта аҳамиятга эга лигини қайд этиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Чўпонота ва Бунёдкор кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этиладиган кўприк лойиҳаси билан ҳам танишиб, ўз тавсияларини берди.

[ЎзА](#)